

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

ДПМ харид

комиссиясининг раиси



Н.Б.Назаров

« 26 » 09 2022й.

**Ёнғиндан хабарловчи тизим, Ёнғинни газ билан ўчириш тизими,
Видеокузатув, Кириш-чиқишни бошқариш тизими, Қўриқлаш тизими
хамда Хабар бериш тизимларига техник хизмат кўрсатиш бўйича**

ТАНЛАШ ҲУЖЖАТИ

Тошкент – 2022 й.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат персоналлаштириш маркази (ДПМ) Ёнғиндан хабарловчи
тизим, Ёнғинни газ билан ўчириш тизими, Видеокузатув, Кириш-
чиқишни бошқариш тизими, Қўриқлаш тизими ҳамда хабар бериш
tizimларига техник хизмат кўрсатиш бўйича танлаш
эълон қилади.**

Хизмат номи:	Ёнғиндан хабарловчи тизим, Ёнғинни газ билан ўчириш тизими, Видеокузатув, Кириш-чиқишни бошқариш тизими, Қўриқлаш тизими ҳамда хабар бериш тизимларига (Хавфсизлик тизимлари) техник хизмат кўрсатиш
Объект тури:	Тоифаланган объект
Бир ойлик хизмат баҳоси:	15 500 000 (ўн беш миллион беш юз минг) сўм
Танловнинг умумий баҳоси (3 ой учун):	46 500 000 (қирқ олти миллион беш юз минг) сўм
Шартноманинг амал қилиш муддати:	Шартнома Молия вазирлигининг Ғазначилигидан рўйхатдан ўтгандан сўнг 2022 йил 31 декабр кунига қадар амал қилади.
Ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта ҳамда тўлов тартиби	Хизмат учун тўлов Ўзбекистон Республикаси валютасида пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Олдиндан тўлов миқдори шартноманинг умумий қийматнинг 30%. Қолган 70% миқдори шартномада белгиланган мажбуриятларни тўлиқ бажаргандан сўнг хар ой ҳисоб-фактура ва далолатномага асосан амалга оширилади.
Танлов таклифларини тайёрланиш тиллар:	Ўзбек ёки Рус тилларда
Танлов иштирокчиларига танлов ҳужжатлари қоидаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тартиби:	Сўровнома асосида (ёзма равишда)
Танлов ҳужжатларини қабул қиладиган ҳамда танлов ўтказиладиган манзил:	Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 160А.

Танлов иштирокчилари билан алоқада бўладиган шахс:	Моддий техник таъминот бўйича етакчи мутахассис - Рафикджанов Муҳаммаджон Махмуд ўғли. тел.:71 207-70-81
Таклифларни тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана:	Махсус ахборот порталига лот жойлаштирилган кундан бошлаб 7 календар куни давомийлигида белгиланган вақтга қадар.
Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар:	
Иштирокчилар қуйидаги мезонларга амал қилган ҳолда танловда иштирок этишлари мумкин:	- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги; - шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик; - солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; - ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; - инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.
Танлов ҳужжатларини расмийлаштириш талаби:	- танлов иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли; - танлов ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда етказиш учун сарфланадиган ҳаражатлар иштирокчилар томонидан амалга оширилади; - танлов ҳужжатларида тузатишларга (матн, сўз ва рақамларни бўяш) йўл қўйилмайди. Агарда ҳужжатларда тузатишлар аниқланса ушбу танлов ҳужжати комиссия томонидан четлаштирилади;
Танловга тақдим этиладиган ҳужжатлар:	- ташкилотнинг рўйхатга олинганлик гувоҳнома нусхаси (ташкилот раҳбари томонидан муҳр ва имзо билан тасдиқланиши лозим); - солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қариздорликнинг мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотнома; - ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; - ташкилотнинг иш тажрибаси;

	- Ўзбекистон Республикасида тоифаланган объектларида хавфсизлик ускуналарига техник хизмат кўрсатишга рухсат этилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома. - танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза.
--	---

Ёнғиндан хабарловчи тизим, Ёнғинни газ билан ўчириш тизими, Видеокузатув, Кириш-чиқишни бошқариш тизими, Кўриқлаш тизими ҳамда хабар бериш тизимларига (Хавфсизлик тизимлари) техник хизмат кўрсатиш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1- сонли лот

1. Хавфсизлик тизимларига техник хизмат кўрсатиш жойи:

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 160А.

2. Хавфсизлик тизимларига техник хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил октябрь ойидан 2022 йил 31 декабрь кунига қадар.

3. Пудратчига ҳамда унинг хизматларига қўйиладиган талаблар:

Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари Ўзбекистон Республикасида амалдаги меъёрий ҳужжатлар (давлат стандартига) ва қоидалар талабларига, мунтазам техник хизматларнинг рўйхатига (хизмат кўрсатишда) мувофиқ амалга оширилади. Хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган материаллар, маҳсулотлар ва жиҳозлар давлат стандартига ва техник шартларга мувофиқ, сертификатланган бўлиши керак.

Хавфсизлик тизимларига техник хизмат кўрсатиш замонавий электр ўлчагич асбоблари ва диагностика ускуналарида фойдаланиладиган малакали мутахассислар томонидан амалга ошириш. Барча ўлчаш асбоблари Пудратчининг мулки бўлиши ёки Пудратчи томонидан ижарага олиниши ва Пудратчининг ҳисобидан текширилиши керак, текширилмаган ўлчагичлардан фойдаланиш тақиқланади.

Хавфсизлик тизими ускуналарига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича бажарилган барча ишлар, шу жумладан сифат назорати, буюртмачида сақланадиган "Профилактик ишларни рўйхатга олиш журналида" қайд этилиши керак. Журналдаги ёзувлар Пудратчи ва Буюртмачи вакилининг имзолари билан тасдиқланади.

Пудратчи:

- Техник вазифанинг 2-бандига мувофиқ техник хизмат кўрсатиш муддатларига мувофиқ ишларни бажаради;

- тизимлар ишламай қолиши ҳолатларда тизимга ва унинг таркибий қисмларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширади;

- бошқарув блоки ишламай қолса, тиклаш ишларини бажариш, усқунани созлаш ва керак бўлганда тизимларни қайта дастурлаш ишларини амалга оширади;
- зарур бўлганда, хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни иш жараёнида амалга оширилади;
- иш вақтида ташкил этиш ва назорат қилиш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик қоидаларини тўлиқ риоя этишни таъминлаш;
- ўз ходимларини иш қуроллари, шахсий ҳимоя воситалари, иш кийимлари, махсус жиҳозлар ва сарфланувчи материаллар билан таъминлаш;
- куннинг исталган вақтида, шу жумладан байрам, дам олиш ва таътил кунларида, шунингдек, куннинг қоронғу пайтида объектга келиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш. Хавфсизлик тизими ишдан чиқиш ҳолатлари юзага келганда буюртмачининг телефон орқали чақирувига асосан 1 (бир) соатдан кечиктирмасдан етиб келишини таъминлаш;

Кўрсатилган техник хизматларни топшириш ва қабул қилиш Буюртмачининг вакили иштирокида амалга оширилади.

4. Хавфсизлик тизимларига техник хизмат кўрсатиш:

Хавфсизлик тизими учун техник хизмат кўрсатиш тизимнинг барча талабларига жавоб берадиган ташкилий ва техник тадбирларни ўз ичига олади.

Хавфсизлик тизимини ишчи ҳолатини сақлашнинг асосий вазифалари:

- тўғри ишлашни таъминлаш;
- хавфсизлик тизимларининг техник ҳолатини назорат қилиш ва ундан кейинги ишлашига яроқлилигини аниқлаш;
- носозликларни аниқлаш ва бартараф этиш, уларнинг миқдорини камайтириш;
- бажарилган ишлар натижалари бўйича маълумотларни таҳлил қилиш техник хизмат кўрсатиш шакллари ва усулларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва Буюртмачига хавфсизлик тизимининг ишлаши тўғрисида маслаҳат бериш.

Хавфсизлик тизимига техник хизмат кўрсатиш Буюртмачининг биноси ва ҳудудида ўрнатилган жойда режага асосан амалга оширилади. Хавфсизлик тизимига техник хизмат кўрсатиш Буюртмачининг иш вақти давомида амалга оширилади. Иш вақти дам олиш ва байрам кунларидан ташқари, соат 9:00 дан 18:00 гача. Хавфсизлик тизими ишдан чиқган ҳолатларда тизим тўлиқ ишга тушгунга қадар хизмат кўрсатилади. Объектга кириш санаси ва вақти Буюртмачи билан олдиндан келишиб олинади.

Пудратчи қўйидагиларни таъминлаши керак:

- иш, байрам, дам олиш ва таътил кунларида, шунингдек, куннинг қоронғу пайтларида хавфсизлик тизимига техник хизмат кўрсатиш учун пудратчининг "Ишонч телефони" мавжудлигини таъминланишини;
- ишонч телефонлари 24 соат давомида ишлашини таъминланишини;
- камида битта киши ишонч телефонида хизмат кўрсатишини таъминлаш;
- ишонч телефонида жавобгар шахс, хавфсизлик тизими фойдаланувчиларига хавфсизлик тизими билан ишлашнинг барча техник масалалари бўйича маслаҳатлар ва кўрсатмалар бериш, шунингдек техник муаммоларни Пудратчи томонидан бартараф этиш учун Буюртмачининг аризаларини қабул қилишини таъмилаши;
- Пудратчи объектда амалга ошириган ишларни махсус журналга кайд этиб бориши;

- Пудратчининг ишонч телефонлари рўйхатини Буюртмачига шартнома тузилгандан сўнг берилишини таъминлаш ҳамда телефон рақамларидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотни бир иш куни давомида Буюртмачининг вакиллариغا етказилиши таъминлаш;

- хавфсизлик тизимларидаги аварияни бартараф этиш юзасидан Буюртмачининг ваколатли вакилидан телефон орқали ариза (буюртма) келиб тушганда, Пудратчининг вакили объектга 1 (бир) соатдан кечиктирмасдан етиб келишини таъминлаш;

- техник қўллаб-қувватлаш билан шуғулланувчи пудратчининг ходимлари объектга кириш ва чиқиш, хавфсизлик ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этишларини таъминлаш;

- техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига жавоб бериши керак.

Агар ускунани таъмирлашнинг иложи бўлмаса, Пудратчи Буюртмачига техник хулоса далолатномасини тақдим этади. Шу билан бирга, қурилманинг эҳтиёт қисмларини алмаштириш ишлари Буюртмачи томонидан эҳтиёт қисмлар етказиб берилгандан сўнг Пудратчи ва Буюртмачи ўртасида хавфсизлик тизими учун аввал тузилган шартнома доирасида алмаштириш ва созлаш ишларини амалга оширади.

Агар Буюртмачи томонидан берилган эҳтиёт қисмни Пудратчи ўрнатиш жараёнида ишдан чиқарса, Пудратчи ўз ҳисобидан янгисига алмаштиради.

5. Хавфсизлик тизимларида профилактика (қурилмаларни ўрнатиш ва қайта ўрнатиш) ишларини бажариш таркиби:

Хавфсизлик тизимларига техник хизмат кўрсатиш асбоб-ускуналарнинг ҳамда қурилмаларнинг ҳолатини ва тизимнинг хавфсиз ва узлуксиз ишлашининг таъминланишини ўз ичига олади. Жумладан:

- хавфсизлик тизимининг барча таркибий қисмлар, нуқсонлар, носозликлар, механик шикастланишлар, ишлатишга лойиқлиги, ускунанинг ўрнатилиши ва ташқи кўриниши, ташқи уланиш линиялари, уланиш қутилари, бошқариш розеткалари (пулт), сенсорлар (датчик) ва бошқалар;

- барча хавфсизлик тизимининг ишлаши, уларнинг функцияларини тўғри бажарилишини таъминлаш;

- барча таркибий қисмларнинг чанг ва кирларини тозалаш. Хавфсизлик тизимидаги электр узатиш платаларида, моторлар ва кабелларнинг уланиш сифатига, шунингдек симлар ва кабелларнинг изоляция ҳолатини текшириш;

- тизимнинг ҳаракатланувчи элементларини мойлаш, хавфсизлик тизимларининг синган ва очик қисмларини таъмирлаш ҳамда изоляция қилиш;

- ўрнатилган камералардан келадиган барча видео сигналларнинг мавжудлигини текшириш, ҳар бир канал учун кирувчи видео сигналларнинг равшанлиги, контрасти, рангини созлаш, камераларнинг ҳолатини вертикал ва горизонтал равишда созлаш, қаттиқ дискларнинг мавжудлиги ва ҳолатини текшириш. Архивлаштирилаётганлигини Буюртмачи билан биргаликда текшириш;

- турникет терминал қурилмаларининг ҳамда металл детекторларнинг ишлашини текшириш, калитларнинг ҳолатини (магнитная карта), хавфсизлик мосламаларини текшириш, тизимнинг барча режимларда ишлашини текшириш;

- кафолатланган энергия манбайини (UPS) ишлашини текшириш, техник хизмат кўрсатиш ҳамда созлаш, аккумуляторларини ва бошқа эҳтиёт қисмларини алмаштириш;

- мавжуд ўрнатилган қурилмаларни ҳамда унинг таркибий қисмларининг жойини алмаштириш ёки бошқа жойга кўчириш ишларини амалга ошириш;

- алоқа тизими, аппаратлари ва унинг таркибий қисмлари ҳамда линияларини созлаш;

Хавфсизлик тизимининг ишлашидаги носозликларни аниқлаш бўйича чоратadbирлар амалга оширилгандан сўнг, тегишли таркибий қисмларда таъмирлаш ишлари олиб бориш.

Таъмирланадиган қурилмалар учун эҳтиёт қисмлар Буюртмачи томонидан таъминланади.

Иш сифати ва кафолати

Ўрнатилган янги эҳтиёт қисмлар ва асосий воситалар учун кафолат муддати 12 ой. Кафолат муддати томонларнинг топшириш далолатномасини расмийлаштириган кундан кучга киради.

Ўрнатилган қурилмалар сони ва турлари

Объектда ўрнатилган қурилмалар (датчик, камера ва хаказолар) сони ва тури хақидаги маълумот мазкур танлов хужжатининг 2-илоvasида келтирилган.

Илова: ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ

Мазкур шартнома лойиҳаси дастлабки ҳисобланиб, унинг шартлари томонларнинг қарорига кўра қонунда белгиланган қоидаларга зид бўлмаган ҳолда ўзгариши мумкин.

Шартнома № _____

Хавфсизлик тизимига техник хизмат кўрсатиш

20 ____ йил _____

Тошкент шаҳри

Устав асосида фаолият юритувчи «_____» (келгусида «Пудратчи») томонидан директор _____ бир тарафдан ва _____ (келгусида асосида фаолият юритувчи _____ (келгусида «Буюртмачи») томонидан _____ иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидаги мазмунда туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ ВА СУММАСИ

1.1. Мазкур шартнома «Буюртмачи»нинг биносига «Пудратчи» томонидан Видеокузатув, Кириш-чиқишни бошқариш тизими, Қўриқлаш тизими ҳамда ҳабар бериш тизимларига техник хизмат кўрсатиш бўйича (кейинги ўринларда - Хавфсизлик тизими) тузилди.

№	Номланиши	Баҳоси	Умумий баҳоси
1	Ёнғиндан хабарловчи тизим, Ёнғинни газ билан ўчириш тизими, Видеокузатув, Кириш-чиқишни бошқариш тизими, Қўриқлаш		

	тизими ҳамда хабар бериш тизимларига техник хизмат кўрсатиш		
--	--	--	--

2. ШАРТНОМАНИНГ СУММАСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Хавфсизлик тизимига техник хизмат кўрсатиш «Буюртмачи»нинг биносида амалга оширилади ва шартнома баҳоси _____ ҚҚС билан сўмни ташкил этади.

2.2. «Пудратчи» шартномада кўрсатилмаган бошқа қўшимча иш амалга оширса «Буюртмачи» билан келишилган ҳолда кўрсатилган бошқа хизмат учун алоҳида шартнома асосида тўловлар амалга оширилади.

2.3. Шартнома баҳосининг 30 % миқдори олдиндан, шартнома кучга кирган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни давомида, қолган 70 % миқдори далолатнома расмийлаштирилган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни давомида пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

3.1. Хавфсизлик тизимига техник хизмат кўрсатишни ўз вақтида амалга оширилмаганлиги учун Пудратчига ҳар бир кечиктирилган кун учун умумий миқдорнинг 0,5 фоизи миқдорида жарима солинади, аммо ушбу шартномада кўзда тутилмаган хизматлар учун тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

3.2. 2.3-бандда белгиланган мажбуриятларни бузганлик учун ушбу шартнома бўйича "Буюртмачи" кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов миқдорининг 0,4% миқдорида жарима тўлайди, аммо кечиктирилган тўлов миқдорининг 50% дан ошмаслиги керак.

3.3. Томонлар ушбу келишув бўйича мажбуриятларни бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинади, агар бундай қобилиятсизлик томонларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган форс-мажор ҳолатлари натижасида юзага келган бўлса.

3.4. Юқоридаги ҳолатлар юзага келганлиги сабабли, шартнома мажбуриятларини бажаришни имконсиз қилиб қўйган томон, бошқа томонга бу ҳақда форс-мажор ҳолатлари юзага келганидан кейин 10 кундан кечиктирмай ваколатли органнинг норматив актига (ҳужжатига) мурожаат қилиши керак.

3.5. Шартномада назарда тутилмаган бошқа жиҳатлар бўйича, томонлар "Хўжалик субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига амал қиладилар.

4. АРБИТРАЖ.

4.1. Ушбу Шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ юзага келадиган барча келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар орқали ҳал қилинади.

4.2. Томонлар келиша олмаган низолар, келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ иктисидиёт судида ҳал қилинади.

4.3. Бажарилган хизмат учун кафолат муддати бажарилган хизматларни қабул қилиш далолатномаси имзоланган кундан бошлаб 12 (ўн икки) ой.

5. БОШҚА ШАРТЛАР.

5.1. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартиш ва қўшимчалар, агар улар ёзма равишда тузилган бўлса ва шартнома тузувчилар томонидан ваколат берилган шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий деб ҳисобланади.

5.2. Шартнома томонларнинг ўзаро келишувига биноан ёки улардан бири шартнома шартларини бузган тақдирда бекор қилиниши мумкин.

5.3. Шартномага киритилаётган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда тузилган ва иккала тараф томонидан имзоланган ҳолдагина ҳақиқий ҳисобланади.

5.4. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилиги ёки унинг ҳудудий бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан кучга киради ва 20__ йилнинг _____ кунигача амал қилади.

6. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«ПУДРАТЧИ»	«БУЮРТМАЧИ»

Харид комиссияси масъул котиби:

БТБ мутахассиси




Хидиров Д.Э.

ДПМ директорининг 2022 йил 14 апрелдаги № 24-ИЧ сонли Буйруғига асосан:

Комиссия раиси ўринбосари:

МИББ бошлиғи



Акрамов А.А.

Комиссия аъзолари:

ПБ бошлиғи



Мухитдинов Б.Т.

АМС ва ПХЖБ бошлиғи



Мамадалиев А.А.

БТБ бошлиғи



Габдалилов Б.Г.

Список оборудования установленного в ГЦП.

Система пожарной сигнализации

1. Датчик пожарный дымовой – 95 шт.
2. Извещатель пожарный ручной – 6 шт.
3. Пульт управления центральный «Гранд Магистр 24» – 1 шт.
4. Системный блок – 1 шт.
5. Блок питания (БП-12/7) – 1шт.
6. Оповещатель комбинированный (светозвуковой) – 4 шт.

Система газового пожаротушения:

1. Извещатель охранный ИО 102-26исп. – 1 шт.
2. Оповещатель динамический звуковой 12/24В – 1 шт.
3. Оповещатель комбинированный (светозвуковой) ЕМА 24 FRSS – 1 шт.
4. Модульная установка газового пожаротушения МПА NVC 25-106-50 – 1 шт.
5. ППКУП Старт-4А – 1 шт.
6. Извещатель пожарный дымовой оптико-электронный Аврора-ДН – 7 шт.
7. Оповещатель световой ЛЮКС НБО-12В-01, табло «Газ уходи» 12 В – 1 шт.
8. Оповещатель световой ЛЮКС НБО-12В-01, табло «Автоматика отключена» 12 В – 1 шт.
9. Оповещатель световой ЛЮКС НБО-12В-01, табло «Газ не входи» 12 В – 1 шт.
10. Блок питания 12/07 – 1 шт.
11. Устройство контроля шлейфа – 4 шт.

Система видеонаблюдения

1. Видеокамера потолочная купольная Hikvision DS-2CD2142 FWD – 45 шт.
2. Видеокамера поворотная внутренняя Hikvision DS-2DE2A204WDE3 – 1 шт.
3. Видеокамера поворотная уличная Hikvision DS-2DE4425 IW-IP-FULL – 3 шт.
4. Видеокамера уличная стационарная Hikvision DS-2CD2T42 WD-i8 – 19 шт.
5. Сетевой IP-пульт централизованного управления Hikvision DS-1100KI – 1 шт.
6. Видеорегистратор Hikvision DS-96128 NI-I16 – 1 шт.
7. Устройство бесперебойного питания «KSTAR – UA 300» – 3 шт.
8. Устройство бесперебойного питания «KSTAR – UA 120» – 1 шт.

Система охранной сигнализации

1. Арочный металлодетектор Garrett Magnascanner PD-6500i – 1 шт.
2. Досмотровый ручной металлодетектор Garrett Super Wand – 1 шт.
3. Пульт управления центральный «Гранд Магистр 30» – 1 шт.
4. Датчик магнитноконтактный «ИО 102-2» – 153 шт.
5. Датчик движения – 31 шт.
6. Датчик охранный акустический – 19 шт.
7. Извещатель охранный радиоволновый двухпозиционный «Барьер-200» – 1 комп.

8. Извещатель линейный проводноволновой «Рельеф» – 1 комп.
9. Линейная часть извещателя охранного «Рельеф» – 1 линия.
10. Кнопка тревожной сигнализации – 3 шт.

Система контроля и управления доступом (СКУД)

1. Турникет – 2 шт.
2. Терминал распознавания лица Hikvision DS-K1T671M – 4 шт.
3. Терминал распознавания лица Hikvision DS-K1T341M – 1 шт.
4. Замок кодовый – 2 шт.

Система оповещения

1. Микшерный усилитель «Colorful J12D» – 1 шт.
2. Микрофон «YSDZ YS-36» – 1 шт.
3. Громкоговоритель – 22 шт.
4. Дверная станция – 2 шт.